

«КЕЛИШИЛДИ»

Хоразм вилояти халқ таълими  
бошқармаси бошлиғи


  
Х.Бектемиров.

«    »      2022 йил.



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари

  
Б.Курбанов

2022 йил

“КЕЛИШИЛДИ”

Хоразм вилояти қурилиш бош  
бошқармаси бошлиғи

  
Б.Каримов


«    »      2022 йил



“КЕЛИШИЛДИ”

Хоразм вилояти ҳокимлигининг

“ЯБХ” ИЖ директори

  
Ш.Отаев

2022 йил

## ЛОЙИХА ТОПШИРИҒИ

Хоразм вилояти Урганч туманидаги 43-сонли умумтаълим мактабини мукамал таъмирлаш (624 ўқувчи ўрин) объекти ишчи лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун

№	Асосий маълумотлар ва талаблар номи	Асосий маълумотлар ва талаблар мазмуни
1	2	3
1	Объектнинг номи	Хоразм вилояти Урганч туманидаги 43-сонли умумтаълим мактаби (624 ўқувчи ўрин) ни мукамал таъмирлаш
2	Объектни манзили	Хоразм вилояти Урганч тумани Анжирчилар маҳалла фуқоролар йиғини
3	Лойиҳалаш учун асос	1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисидаги ПҚ-172-сонли қарори 2.Хоразм вилояти Урганч туман ҳокимининг қарори 3.Хоразм вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг АРТ-1-қисм ҳужжатлари
4	Буюртмачи	Хоразм вилояти ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси.
5	Бош лойиҳачи	Ҳарид тартиб таомиллари асосида аниқланади
6	Бош пудратчи	Ҳарид тартиб таомиллари асосида аниқланади
7	Қурилишни тахминий муддатлари.	2022 йил бошланади 2022 йилда тугалланади
8	Лойиҳалаштириш босқичи	Бир босқичли лойиҳалаштириш
9	Қурилиш тури	Мукамал таъмирлаш
10	Молиялаштириш манбаи	Маҳаллий бюджет ва унинг қўшимча манбалари ҳисобидан
11	Объектнинг йўналиши ва асосий кўрсаткичлари (умумий майдони, ҳажми, ўлчамлари ва бошқалар).	43-сонли умумтаълим мактаби биноларини мукамал таъмирлашда қуйидаги техник кўрсаткичларни инобатга олиш. Қурилиш майдони _____ м <sup>2</sup> Бионинг умумий майдони _____ м <sup>2</sup> Фойдали майдони _____ м <sup>2</sup> Мажлис залли _____ дона Спорт зали _____ дона Овқатланиш хонаси _____ дона Кутубхона Конструктив ечимлар бионинг техник текшируви тўғрисидаги ҳисобот натижаларига кўра белгиланади. Пойдеворлар _____ Бино каркаси _____ Устунлар _____ Ригеллар _____ Девор _____ Оралик ёпмалар ва том ёпмалар ғовакли темир-бетон плита Дераза _____ Эшиклар _____ Пол қисми _____ Зинапоялар - бетон Том ёпмаси
12	Бинони пардозлаш ва иш ҳажмларига қўйиладиган талаблар.	Бажариладиган ишлар қизил чизикдан чиқмаган ҳолда бажарилади. Бош режа - фойдаланувчи ташкилот билан келишиш, ҳудуднинг батафсил режалаштириш схемасида муҳандислик тармоқлари техник шартлар асосида лойиҳаланиб, мавжуд муҳандислик тармоғига улансин. Тармоқ эгалари билан келишилади. Турли хил конфигурациялар ёрдамида бинолар таркибини туман санитария–эпидемиология осойишталик марказининг ва туман фавқулдда вазиятлар бўлимининг гигиеник ҳамда техник шартларига асосан лойиҳалаштириш. Лойиҳа ечими Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик кодекси ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар (ҚМК, ШНҚ, техник шарт) асосида қабул қилинади. Яширин ҳолда бажариладиган қурилиш таъмирлаш ишларини барча лойиҳаларда алоҳида узеллар билан кўрсатиш ; Зилзилабардошликни ошириш мақсадида қўлланиладиган узеллар барча лойиҳада алоҳида кўрсатилсин ; СГ-1 (кладочная сетка) узелларда алоҳида акс эттириб кўрсатилсин ;

**Мақтабни муқаммал таъмирлаш лойиҳасида қўйидагиларни инобатга олиш :**

**Ташқи пардозлаш :**

**-Фасадлар** - сифатли материаллар билан замонавий услубда ва дизайнда ишлаб чиқиш:

- сокол фасадга мослаб кабанчик лойиҳалансин.

-девор юзаси сувоқ, рангли бўёқлаш, “Травертин”, замонавий дизайн услубларига мос бўёқлардан фойдаланиб йирик масштаблардаги геометрик шакллардан фойдаланиб лойиҳалаш ;

-бино парапети метал каркасли “Туникабонд”

**Бинонинг кириш қисми** – мавжуд бўлса таъмирлаш. Янгини қуриш. Айвонли зиналар(асосий кириш қисмига алюмин профиллардан тамбур ва ногиронлар ва ҳаракатланиши чекланган шахсларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда пандус қилинсин. Пол-сирпанмайдиган брусчатка, перила – анодированной металдан лойиҳалансин ;

**Ички пардозлаш** - Синф хоналари, коридорларни деворларини сувоқлаш, сўнгра сувли бўёқ билан бўяш, замонавий дизайн услубларини тадбиқ қилиб тўғри чизиқли фигуралардан фойдаланилиб, аниқ фанлар ўқитиладиган масалан физика, кимё-биология, математика фанлари ўқитиладиган ўқув хоналарини шу соҳага яқин бўлган шакллар билан безатиб лойиҳалансин ;

-электрцит хонаси- оқлаш ;

-маъмурият хоналари, коворкинг хоналари, техник ва бошқа хоналар – шпаклёвка билан текисланиб ёрқин рангдаги акрил сувли бўёқлар билан бўёқлаш ;

**-Шифт-** вестибюль, коридорлар, синф хоналарида ва маъмурият хоналарида шпаклёвка билан текисланиб, сувли акрил бўёқ билан бўяш ;

**Деразалар** – бинодаги мавжуд барча ёғоч деразаларни нуқсонлар далолатномасига асосан алмаштириш. Подоконниклари билан икки камера ойнали пластикдан ўлчамлари 1,8x1,5м, 1,8x1,2м. Шамоллатиш тизими учун деразалар очгичлари мураккаб механизмли ёки форточкали, ички дераза тоқчалари, ташқи дераза тоқчалари руҳланган тунукадан, ўлчамлари лойиҳа талаблари асосида лойиҳалансин;

**Эшиклар** –бинодаги мавжуд барча эшикларни алмаштириш нуқсонлар далолатномасига асосан бажарилсин. Синф хоналарида 6,0 ммдан кам бўлмаган қалинликдаги ва кенглиги 1,2м замонавий талабларга асосан 2 табакали, очилмайдиган табакасига 70x15см ўлчамда ойнали МДФ материалларидан лойиҳалансин ;

Хожатхоналарда –алюмин профиллардан,

Овқатланиш, архив, сервер хонаси, электр щит хонаси - ўтга чидамли материаллардан эшиклар ўрнатиш;

-эшик қулфлари замонавий, бардошли ва сифатли,

-Ташқи витражлар алюмин профилдан, фавкулотда ёнғин ҳавфсизлиги эшикларини лойиҳалашда амалдаги ёнғин ҳавфсизлиги талабларига мувофиқ,

-Ташқи эшиклар ўлчамлари 2,4x1,5м, иссиқ-совуқдан химойловчи материаллардан фойдаланиб лойиҳалансин ;

**Поллар** - бинодаги мавжуд полларни алмаштириш зарур бўлса нуқсонлар далолатномасига асосан алмаштириб лойиҳалаш. Синф хоналари, коридорлар, вестибюль, маъмурият хоналарида - ШНҚ 4.02.11-04 талабларига асосан 36мм қалинликдаги ёғоч пол, мрамор, ПВХ линолеум “РЕЛИН”, плинтус учун 7,0см қайрилган, ёки 5 см баландликда МДФ плинтус.

-спорт залда–каучуқли рулонли материаллардан тайёрланган маҳсус қопламалар.

-сан.узел, душ поллари – керамик плиткалар, хонанинг чекка бурчагида нишаб билан трап ўрнатишни инобатга олиш.

-ошхона заллари– катта ўлчамдаги керамик плиткалар ;

-Техник бинолар – бетон ;

-хожатхона – мавжуд хожатхонани нуқсонлар далолатномасига асосан лойиҳалаш. Керамик плиткалардан хонанинг чекка бурчагида нишаб билан трап ўрнатишни инобатга олиш, генуя косасини пол сатҳидан бир қадам баландроқ ўрнатишни инобатга олиб лойиҳалансин ;

**Зинапоялар** – зина тўсиқларини алмаштиришни таъминлаш нуқсонлар далолатномасига асосан бажариш. Тўсиқлар турли баландликларда 2 та тутгичга эга бўлиши керак. (h=0,90m ва h=1,20m)

Зинапоялар майдончаси ва зинапоялар- мрамор, қадам қалинлиги 3,0см, кўтаргичлар 2,0см.

-Кириш зиналари майдончаси – мрамор.

13

Конструктив ечимларга, ёки кўтариб турувчи ва ташқи ҳимоя

Лойиҳалаш ва конструктуравий ечимларда замонавий лойиҳалаш ва қурилиш тажрибасини ҳисобга олиш керак.

	<p>конструкцияларга ва уларнинг материалларига қўйиладиган асосий талаблар.</p>	<p>Барча конструкция ва материаллар мавжуд стандартлар ва техник шартларга мос келиши ва экологик тоза материаллардан тайёрланиши керак.</p> <p>Лойиҳани ишлаб чиқишда материалларга минимал таъсирини ҳисобга олган ҳолда технологик ечимларни қўллаш керак.</p> <p>-Танлашда меъморий жиҳатдан технологик ва энергия тежайдиган замонавий дизайн ва технологийлардан фойдаланишга эътибор қаратиш керак.</p> <p>Лойиҳа қарорларини амалга оширишда маҳаллий ишлаб чиқаришнинг муқобил энергия тежамкор манбаларидан фойдаланиш керак.</p> <p>Бинолар конструкцияларини фавқулотда вазиятларда, шу жумладан ёнғин ва zilzilаларда прогрессив бузилишлардан ҳимоясини таъминлашни кўзда тутиш.</p> <p><b>Пойдевор-</b> мавжуд бино пойдевори ён юзалари сув ҳимоя қатлами емирилишини назарда тутиб, ташқи ва ички ён юзалари намликдан ҳимойловчи материаллардан фойдаланиб, шамоллатиш туйиқчалари (продухлар) ўрнатиб, ҚМҚ 2.03.11-96 “Қурилиш қурилмаларини каррозиядан ҳимоялаш меъёрий талаблари бажарилиб лойиҳалансин;</p> <p><b>Деворлар</b> – ҚСХН инспекциясининг ҳулосасига асосан лойиҳалансин. Деворлар ёриқларининг шикастланган участкаларини мустаҳкамлаш, маҳкамлаш, зўрайтириш. Иссиқлик изоляцияси учун қурилиш материали базальтдан фойдаланиб, zilзилабардошлик талаблари бажарилиб лойиҳалансин ;</p> <p><b>Том ёпма</b> - ҚСХН инспекциясининг ҳулосасига асосан ҚМҚ талаблари бажарилиб, нуқсонлар далолатномасига асосан лойиҳалансин.</p> <p><b>Том қопламаси</b> - нуқсонлар далолатномасига асосан алмаштириш, ҚСХН инспекциясининг ҳулосасига асосан лойиҳалаш. Парапет деворларида меъёр талабларига асосан чердакли том қопламали остини шамоллатиш учун талаб қилинадиган ўлчамдаги проёмлар бажарилиб, шамоллатиш туйиқчалари (продухлари) ўрнатилиб, том қопламасини ҳисобий фойдаланиш муддатлари инobatга олиниб, иссиқ-совуқдан ҳимойловчи, иссиқлик изоляцияси қалинлиги иссиқлик техникасини ҳисоблаш асосида кенгайтирилган полистирол ёки ёнғин-квартс қумидаги шиша толали плиталар ;</p> <p>Том ёпмаси бўялган гофротунукали қоплама (профнастил) энг кам қалинлиги 0,5 ммдан кам бўлмаган ҳолда ҚМҚ 2.03.10-19 талаблари асосида, ёмғир сув қувири (водосток) - ташқи ташкил этилган ёмғир сув лотоклари ва сув қувири полимер қопламали рухланган металл қувурдан. Ёмғир сув қувурларини дренаж тизимининг ер ости дренажига чуқурлаштириш зарур.</p>
14	<p>Муҳандислик ва технологик асбоб-ускуналарга, технологик жиҳозларга қўйиладиган талаблар.</p>	<p>-Таъминот тармоқлари учун лойиҳавий ечимлар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг замонавий илғор технологиялари ва ускуналаридан фойдаланишга йўналтирилган бўлиши керак.</p> <p><b><u>Ички муҳандислик тармоқларини таъмирлаш :</u></b></p> <p><b>Нуқсонлар далолатномасига асосан лойиҳалаш.</b></p> <p><b>Сув таъминоти ва канализация :</b></p> <p>Сув таъминоти ҚМҚ 2.04.01-98 ва ҚМҚ 2.04.02-97 талаблари бўйича бажарилиши керак.</p> <p><b>1.Ички совуқ сув таъминоти</b> п/п қувурлар назарда тутилиши керак. Ичимлик суви таъминотининг магистрал қувурларини шахталарда ётқизиш керак. Совуқ сув истеъмолчиларига қувур линиялари ва чиқиш жойларини ётқизиш девор остида (каналларда) яширинган ҳолда амалга оширилиши керак. Кириш жойида совуқ сув истеъмоли ҳисоблагичини инobatга олиш керак.</p> <p><b>2.Ички иссиқ сув таъминоти</b> тизими п/п асосидаги қувурлардан тайёрланиши керак. Ички ичимлик сув таъминотининг магистрал қувурларини ётқизиш шахталарда амалга ошириш керак. Иссиқ сув истеъмолчиларига қувур линиялари ва чиқиш жойларини ётқизиш девор остида (каналларда) яширинган ҳолда амалга оширилиши керак. Қувур ичидаги сувнинг соvuшини олдини олиш учун қувурларни иссиқлик изоляциясини таъминлаш.</p> <p><b>3.Ички сув таъминоти</b> ва ичимлик сув таъминотини ёнғинга қарши сув таъминоти билан таъминлаш. Агар ташқи бирлаштирилган коммунал ва ичимлик суви таъминотидаги босим ёнғинни ўчириш эҳтиёжлари учун етарли бўлмаса, у ҳолда ёнғинга қарши насос станциясини таъминлаш. Ёнғинга қарши сув таъминоти тизими ГОСТ 10704-91 бўйича пўлат қувурлардан ясалган. Ёнғинга қарши сув таъминоти тизимининг асосий қувурларини шахталарда ётқизиш.</p> <p>Биноларда қувурларни ётқизиш оралик ёпмалар остига ва сохта шипнинг орқасида амалга оширилиши керак.</p> <p><b>4.Оқава сув тизими</b> ҚМҚ 2.04.01-98 ва ҚМҚ 2.04.03-97га мувофиқ амалга</p>

		<p>оширилиши керак.</p> <p>Ички оқава сув тармоқлари юқори қувват ва гигиеник хусусиятларга эга бўлган ПВХ қувурлардан тайёрланиши керак. Оқава сув қувурларини шахталарга ётқизиш. Оқава сув тармоқларини ташқи оқава сув тармоғига улаш. Тикилиб қолиш мумкин бўлган жойларда оқава сув қувурларини қайта қолиб чиқиш ва тозалаш имкониятини таъминлаш.</p> <p>Барча Қувурлар ёпиқ ҳолатда бўлсин ёпиқ ҳолатда ҳимояланган ҳолда бажарилсин.</p> <p>-Хожатхона хоналарида хонанинг чекка бурчагида нишаб билан трап ўрнатишни инobatга олиш. Генуя косасини пол сатҳидан бир қадам баландроқ ўрнатишни инobatга олиш. Ювиниш мосламаларини ўрнатишда бир бутунли пол сатҳидан чиқувчи умывалниклардан фойдаланиш.</p> <p><b>Иситиш ва шамоллатиш :</b></p> <p>Бинони иситиш тизимини лойиҳалаштиришда нуқсонлар далолатномасига асосан алмаштириб лойиҳалаш.</p> <p>Янги замонавий талабларга асосланган табиий газ ва қаттиқ ёқилғида ишлайдиган иситиш қозонлари, ёқилғи сақлаш омборхонаси билан бирга, п/п қувурлар назарда тутилиб, ҚМҚ 2.01.04.-97 талабларига асосланиб, энергия тежамкор теплотехник материаллардан фойдаланиб лойиҳалансин</p> <p>Насос ўрнатилиши билан битта қувурли тизим. Қувур ичидаги сувнинг совушини олдини олиш учун қувурларни иссиқлик изоляциясини таъминлаш. Қувурлар девор остида (каналларда) яширинган ҳолда амалга оширилиши керак. Радиаторлар –биметалик. Хонадаги ҳаво ҳароратини ҳисобини амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ белгилаш. Очилиш ойналари бўлган табиий шамоллатиш. Таъминот ва чиқинди вентиляциясини ўрнатиш.</p> <p>Лойиҳалашда ҚМҚ 2.01.18-2000*га энергия исътемом қилишнинг янги стандартларини ҳисобга олган ҳолда ҚМҚ 2.04.05-97 ва биноларни лойиҳалаш қўлланмасининг талабларига-риоя қилинг.</p> <p><b>Электр тизими :</b></p> <p>-бинонинг электр ёритиш тизимини лойиҳалаштиришда ҚМҚ 2.01.05-98 ва ҚМҚ 2.04.17-98, шунингдек электр иншоатларининг амалдаги қоидаларига (ПУЕ) мувофиқ 3 тармоқли мис симдан фойдаланган ҳолда лойиҳалаштириш, фавқулотда ёритишни таъминлаш, заземления ва зануленияни кўзда тутиш. Электр энергиясини ҳисобга олиш учун электр энегиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини (АСКУЕ) кўзда тутиш.</p> <p>выключател - пол сатҳидан 0,90м, розеткани - 0,40м баландликда, доска устига чироқларни ўрнатиш.</p> <p>60х60см ўлчамдаги ЛЕД лампалардан ва синфхоналарда доска юқорисига ёритгич ўрнатиш.</p> <p>-мавжуд телефон жуфтларини сақлаб қолган ҳолда ички телефон тармоқлари;</p> <p><b>Ёнғин ўчириш тизими</b>–Лойиҳалаштиришда амалдаги меъёрлар “Ёнғиндан ҳимоя қилиш тизимлари. Автоматик ёнғиндан ҳабарлаш ва ёнғин ўчириш мосламаларига мувофиқ ШНҚ 2.04.09-07 “Бино ва иншоатлар ёнғин автоматикаси” талаблари асосида амалга ошириш. - автоматик ёнғин сигнализацияси тизими мактаб чиқиш сигналига улаш ; -шамоллатиш тизимида хоналарнинг мақсадига қараб ва мавжуд стандартларга мувофиқ мажбурий жалюзали созлагичлар панжара ва ёнғин ўчириш клапанларини ўрнатиш ;</p> <p>Ўт ўчириш мосламаларини ШНҚ 2.01-04 талаблари асосида бажарилиб, гидрант ўрнатиб лойиҳалансин ;</p> <p>-табиий шамоллатиш тизимини деразалардаги шамоллатиш клапанлари орқали таъминлаш.</p> <p><b>Мажмуавий ҳавфсизлик тизими :</b></p> <p>Амалдаги меъёр ва талабларга мувофиқ лойиҳада бинонинг ёнғин ҳабарлаш ва огоҳлантириш тизими, видеокузатув билан жиҳозланиши назарда тутилиши керак.</p> <p><b>Кучсиз ток тизимлари</b> -“Интернет” тармоқларига улаш, ёнғин ҳавфсизлик ва ҳабарлаш тизими.</p> <p>Ёнғин ҳавфсизлик талаблари ШНҚ2.01-04 бўйича бажарилиши керак.</p>
15	Мактаб майдонини ободонлаштириш.	<p>Бинолардан холи бўлган ва ободонлаштириш учун мўлжалланган мактаб майдонини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш лойиҳасини амалга ошириш. Худудда ободонлаштириш ишларининг қуйидаги турларини таъминланг.</p> <p>-Мактаб худудини периметри бўйича ўрашда :</p> <p>-Бино олди қисми темир панжарадан ;</p> <p>-ён томонлари бетон панел тўсиқдан ;</p> <p>-мактаб худудиди ахлат учун контейнер майдончасини ташкил этиш ;</p> <p>-дам олиш жойлари скамейкалар ўрнатиб лойиҳалансин ;</p>

		<p>12мх24м ўлчамдаги мактаб мини стадиони (100м югуриш йўлаги, спорт ўйинлари учун бирлаштирилган майдон, сакраш сектори билан, ворота, баскетбол шити, волейбол сетка туткичлари)</p> <p>-бетон қопламали транспорт йўллари, шу жумладан ёнғин ҳавфсизлик техникаси учун ;</p> <p>-кириш йўлаги брусчатка, пиёдалар ўтиш йўллари бетон</p> <p>-худудни ташқи ёритиш тизими энергиятежамкор ЛЭД лампалар билан лойиҳалансин.</p>
16	Коммунал ва муҳандислик тизимларига қўйиладиган талаблар	Ички муҳандислик тармоқлари ва тизимлари амалдаги меъёрий талабларга мувофиқ бажарилиши керак. Ёнғин сигнализацияси сигналлари видеокузатув мактаб кўнғироғи ўт ўчириш пунктини биринчи қават фоесида жойлаш.
17	Лойиҳа ечимларини келишишга қўйиладиган талаблар	Лойиҳалаш ташкилоти лойиҳалаш ҳужжатларини барча манфаатдор ташкилотлар шу жумладан буюртмачи билан келишиш
18	Намойиш материалларини тайёрлаш	Бинонинг бош режаси ва фасади шунингдек ички (ўқув хоналари, йўлаклар, вестибюль, заллар, спорт зали, фаоллар зали, кутубхона, лаборатория, йўлак, қабулхона) безак дизайни альбомини замонавий дизайн элементларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқиш.
19	Энергия самардорлиги	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.06.2011 йилдаги 161-сонли қарорига мувофиқ объектнинг энергия самардорлигини ошириш бўйича замонавий иноватсион ечимларни тақдим этиш. Лампаларни энергия тежайдиган лампалар, замонавий иссиқлик изоляция материаллари ва иккита камерали ойнали ПВХ деразалардан фойдаланишни таъминлаш.
20	Ҳаракати чекланган шахслар учун яшаш шароитларини таъминлаш бўйича талаблар	ШНҚ 2.07.02-07ни ҳисобга олган ҳолда, ҳаракатланиш имконияти чекланган шахслар (ногиронлар ва бошқалар) аҳоли гуруҳлари учун қулай киришни таъминлаш чораларини кўриш, ногиронлар ва ҳаракатланиши чекланган шахсларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда пандус ва хожатхонани кўзда тутуб лойиҳалаш.
21	Лойиҳалаш ишларини бажаришга қўйиладиган талаблар	<p>Ишлаб чиқишда қуйидаги иш ҳажмларни кўзда тутиш. Лойиҳа ҳужжатлари бўлимлари, таркиби ва уларнинг мазмуни амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базага мувофиқ бўлиши керак ;</p> <p>-смета ҳужжатларини тасдиқланган стандартларга мувофиқ режалаштирилган қурилиш муддатига тўғри келадиган нархлар бўйича амалдаги нархлар тартибига мувофиқ ишлаб чиқиш.</p> <p>-Иш ҳужжатлари 1 нусхада экспертизага бериш учун буюртмачига берилди.</p> <p>Лойиҳа ташкилоти экспертиза давомида дизайн ечимларини ҳимоя қилишни таъминлайди.</p> <p>-Биноларни пардозлашни (ўқув хоналари, коридорлар, спорт зал, мажлислар зали, кутубхона, йўлак, вестибюль) замонавий дизайн элементларидан фойдаланган ҳолда безаш ишлари альбоми топширилади.</p>
22	Лойиҳа-смета ҳужжатлари талаби	<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 сентябрдаги раёсат мажлисининг 130-сонли баёнининг 4 бандида</p> <p>-Бир хил қувват ва ҳажмдаги объектлар учун ишлаб чиқиладиган лойиҳа-смета ҳужжатлари якуни бўйича аниқланадиган қийматлар ўртасида кескин тофовутлар юзага келишига йўл қўймаслик, лойиҳа-смета ҳужжатларида қурилиш ва жиҳозлаш ҳажмларини тўлиқ инобатга олмаган лойиҳа ташкилотларига нисбатан қонунчилик доирасида тегишли чоралар кўрилиши, лойиҳа-смета ҳужжатларининг сифати ва асосланганлиги ҳамда меъморий ва техник ечимларнинг мақбуллиги юзасидан лойиҳа ташкилотларининг жавобгарлигини кучайтириш, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда объектнинг чекланган қиймати аниқ белгиланишини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилган.</p> <p>Лойиҳа-смета ҳужжатларида юқорида инобатга олинган ҳато-камчиликларга тофовутларга йўл қўйилса ҳато-камчиликлар лойиҳачи ташкилот маблағлари томонидан бартараф қилиниб, лойиҳачи ташкилотнинг ўз маблағлари ҳисобидан тўғирланади. қонунчилик доирасида тегишли чоралар кўрилиб, жавобгарлиги сизнинг ташкилотингиз зиммасига юкланади ;</p>
23	Лойиҳа-смета ҳужжатларини бажаришга қўйиладиган талаблар	<p>Лойиҳа ҳужжатлари бўлимлари, таркиби ва уларнинг мазмуни амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базага мувофиқ бўлиши керак ;</p> <p>-смета ҳисоб-китоблари Ўзбекистон Республикаси қурилиш Вазирлигининг 2021 йил IV-чорак каталоги бўйича тайёрланган, комиссия томонидан тасдиқланган ўртача нархларга асосан жорий нархларда амалга оширилсин. Қурувчи ишчиларнинг ўртача соатлик иш ҳақи – 17921,03 сўм (12% ижтимоий суғурта ажратмаларини ҳисобга олган ҳолда) дан олинсин. Пудратчининг ҳаражатлари 15,51%, буюртмачи ҳаражатлари қўшимча илова қилинади, таваккалчилик коэффитциенти–0.</p>

		Материал ресурсларига транспорт ва омборхона-тайёрлов харажатларини Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2011 йил 30 январдаги 352/11-05-сонли хатига асосан олинади. -Иш ҳужжатлари 1 нусхада экспертизага бериш учун буюртмачига берилади.
24	Муҳандислик изланишлари зарурлиги.	1:500 масштабдаги топографик хариталар ва муҳандислик геологик изланишлар лойиҳа таркибида бажарилади.
25	Буюртмачига тақдим этиладиган ҳужжатлар	Лойиҳа смета ҳужжатлари ШНҚ 1.03.01-2016 “Корхоналар, бинолар ва иншоотларни капитал қуриш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини таркиби, ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш”га мувофиқ буюртмачига -Ишчи лойиҳа, 4 (тўрт) нусхада, -Локал ва ресурс сметалари қоғозда 1 (бир) нусхада, - электрон версияси (диск) билан.

**Буюртмачи :**

Хоразм вилояти ҳокимлигининг  
“ЯБХ” ИК бош муҳандиси



Б.Сапаев

**Келишилди :**

Вилоят халқ таълими бошқармаси  
бошлиғи ўринбосари



Э.Болтаев

**Буюртмачи :**

Хоразм вилояти ҳокимлигининг  
“ЯБХ” ИК лойиҳа бўлими бошлиғи



М.Ходжаев

**Буюртмачи :**

Хоразм вилояти ҳокимлигининг  
“ЯБХ” ИК лойиҳа бўлими мутахассиси



Д.Абдирахмонов